



85. ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР БЎЛИМИ ЎҚУВ ЖИХОЗЛАРИ БЎЙИЧА МУХАНДИС (1-ТОИФА) ЛАВОЗИМИ ВАЗИФАЛАРИ:

- Филиалнинг техника воситаларга бўлган эҳтиёжини таҳлил қилиш ва мавжуд жихозлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш;
- Институтга харид қилинган техник воситалар ва ўқув жихозларини техник ҳолатларини давлат стандартларига мослигини ҳамда сифат кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш ва тегишли таклифларни бўлим бошлиғига тақдим қилиш;
 - Техник воситалар ва ўқув жихозларни бир маромда ишлашини таъминлаш;
 - Таъмирталаб техник восита ва ўқув жихозларни аниқлаш, созлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш ҳамда таъмирланган техник жихозларни созлигини текшириб қабул қилиб олиш;
 - Техник воситалар ва ўқув жихозларни техник профилактика кўрувларидан ўтказишни амалга ошириш ҳамда бажарилган ишлар бўйича бўлим бошлиғига ҳисобот тақдим қилиш ва махсус дафтарга қайд этиш;
 - Бўлим бошлиғининг қонуний топшириқларини бажариш;
 - Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;
 - Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидаларини билиши;

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙ КМ ва ОТЙМК бўйича коди
995.	муҳандис	2149	М	Олий маълумот	5310000